



E CONF SERIES



International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16th March, 2025

СОГЛОМ АВЛОНД-ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Жобиров.М.А

Р.Ш.Т.Ё.И.М.Ф.Ф инфекция назорат қўмитаси раҳбари

Абророва Н.Ю

Р.Ш.Т.Ё.И.М.Ф.Ф 1-Жарроҳлик бўлими олий маълумотли ҳамшираси

Сафаралиева Райхона

Фарғона шаҳар 14-мактаб ўқувчиси

Аннотация:

ёшлар тарбияси ва уларни илмли, омилкор фарзанд сифатида камолга етказиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бола тарбияси билан кичик ёшидан бошлаб шуғулланиш масаласига катта эътибор қаратилиб, республика миқёсида барча шарт-шароити бор боғчалар ташкил этилиши, мактабгача ва мактаб таълими тизимида ҳамда олий таълимда амалга оширилаётган ислоҳотлар – барчasi фарзандлар тарбияси, эртанги кун учундир.

Калит сўзлар: ёшлар, тарбия, келажак, интернет, ислоҳатлар

Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатдан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. “Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча баҳтили яшайди” дейди донишмандлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”. Ш.М.Мирзиёев

Амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида узоқ гапириш шарт эмас, чунки уларнинг натижасини барча кўриб турибди. Лекин, бугун ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир этаётган ҳолатлар ҳам бор ва бу борада айрим мулоҳазаларни айтиш ўринлидир.



E CONF SERIES



International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16th March, 2025

Зеро, донишманд бобомиз Юсуф Хос Ҳожиб ёмон, ёмонликни ҳар куни таҳқирла, яхши, яхшиликни ҳар кун тақдирла, деб бежиз айтмаган.

Барчага маълум, бугун ахборот тайёрлаш ва тарқатишга монелик йўқ. Ҳар ким турли усулда ахборот тайёрлаши ва тарқатиши мумкин.

Фақат, ахборот тайёрлаш ва тарқатиша Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги қонунларимизга кўра, ҳар қандай шахс инсон хуқуқи ва қадр-қимматига ҳурмат билан қарашга бурчли эканлиги доим ёдимиизда бўлмоғи даркор.

Ҳар қандай ахборот тарқатувчи тарқатаётган маълумоти учун жавобгарликни ўз бўйнига олиши, шунингдек, ушбу материали ўқирман ёки кўрарманга нима бериши юзасидан ўз вижданни олдида жавоб бериши лозим.

Оммага етказилаётган ахборотнинг сифати, нимага қаратилгани, яъни, ғояси уни тайёрловчининг билими, дунёқарashi, интилиши ва маънавияти билан чамбарчас боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Афсуслар бўлсинким, бугун интернет тармоқлари орқали тарқатилаётган хабарларнинг барласини ҳам инсоният учун маълум маънода керакли ёки жамият ҳаёти учун зарур ёки фойдали, дея олмаймиз.

Аксинча, айни пайтда интернет тармоқлари орқали кўпроқ хиёнат, фаҳш, жаҳолат ҳақидаги, ҳатто мазмунини тилга ҳам олиб бўлмайдиган турли шовшувли хабарлар, маънавиятимизга буткул ёт маълумотлар тарқатилмоқда. Ҳатто айримлар муомала маданиятини буткул унутган ҳолда одоб-ахлоқ қоидаларига зид равишда бир-бирини очик ҳақоратлаган ҳолда чиқишилар қилмоқда-ки, бунга бефарқ, томошабин бўлиб қараб туриб бўлмайди.

Таҳлилий қараганда, фаҳш, зўравонлик ёки иғводан иборат маълумотни тарқатаётганларнинг мақсади битта, у ҳам бўлса “лайқ” йиғиш, ўқувчисини кўпайтириш, моддий манфаат кўриш. Тайёрлаган материалининг кўпчиликка, айниқса, ёшларга салбий таъсир этиши билан уларнинг иши йўқ. Улар учун кимнингдир шахсий фожиасидан фойдаланиш уят эмас.

Ушбу ахборот тарқатувчиларда, “Бу тайёрлаган материалимдан одамларга нима наф? Мен ўзи нимани тарғиб қилаяпман? Буни фарзандим, аёлим ёки ота-онам кўрса, нима дейди?”, деган ўй бўлганида, қани эди?!...



E CONF SERIES



International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16th March, 2025

Ачинарлиси, ушбу тарқатилаётган маълумотларни барча, шу жумладан, ҳали оқ-қоранинг фарқига бормайдиган фарзандларимиз ҳам кўраётганида! Уларда, “шундай қилиш мумкин экан”, деган тушунча шаклланаётганида ва уларнинг аста-секин азалий қадриятларимиздан узоқлашиб бораётганида! Алал-оқибат ота-бола, она-қиз, эр-хотин ўртасидаги муносабатларга путур етаётганида!

Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган хукуқбузарлик ва жиноятларнинг бош омили ҳам ана шунда. Яъни биз катталар уларнинг тарбиясига беъэтиборлигимиз натижаси эмасми?

Зеро, минг йиллликларга бориб тақалувчи, асрлар синовидан, отабоболаримиздан ўтиб келаётган қадриятларимиз топталишига йўл қўйиб бўлмайди. Ўзбекона муомала, андиша, ҳурмат, анъана, бир сўз билан айтганда, ўзлигимизга, ёшлар тарбияси ва эртанги кунимизга бундай муносабатда бўлишга хеч кимнинг хаққи йўқ.

Кимдир, бундай салбий таъсир этувчи маълумотларни тарқатаётганлар эмас, кўраётганлар айбдор, кўрмасин, олам гулистон, дейиши ҳам мумкин.

Психологиядан маълумки, тақиқнинг ўзи қизиқишини келтириб чиқаради. Шунинг учун “биргина кўрманглар”, деган билан масала ҳал бўлиб қолмайди. Яна, бугунги кунда аксарият ёшларимиз, ҳатто мактаб ўқувчиси ҳам интернет тармоқларининг фаол фойдаланувчиси эканлиги ҳам хеч кимга сир эмас.

Дарҳақиқат, ёшларимизнинг кўнгил мулкига, дунёқарашига салбий жароҳат етказишнинг, ахборот технологиялари орқали тарқатилаётган миллий қадриятларимизга ёт бўлган турли-туман ҳаёсизлик, иғво, жаҳолат, зўравонлик каби иллатларнинг сингдирилиши ва шу йўл билан уларнинг онги заҳарланишининг олдини олиш энг долзарб масаладир.

Айниқса, уларни интернет каналлари ва телевидение орқали намойиш этилаётган видеомаҳсулотларнинг салбий таъсиридан асраш масаласи ўта муҳимдир.

Зеро, қўпгина хориж кинофильмларида бизнинг асрий маънавиятимизга ёт ғоялар, хусусан, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, эр-хотин ўртасидаги бир-бирига ҳурмат, садоқат ўрнига бир-бирини менсимаслик, ҳурматсизлик ва хиёнат салбий ёндошилган ҳолатда эмас, аксинча оддий



E CONF SERIES



International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16th March, 2025

ҳолат сифатида ёритилаётгани нафақат ёшлар айрим катта ёшлилар онгига ҳам аста-секинлик билан таъсир этиши табиий.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидаги “**Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади**”, деган кўрсатмаларга жиддий эътибор қаратиш зарур.

Ҳақиқатдан ҳам, таълим ва тарбия масаласи ўта муҳим. Айниқса, бугун ахборот тарқатиши чегара билмас даражага етган бир пайтда, биз ушбу масалага бефарқ қарасак, фарзандларимизнинг таълим ва тарбиясига беэътибор бўлсак, улар маънавиятида миллий қиёфани асраш чораларини кўрмасак, эртага биргина “бу нотўғри, бу мумкин эмас”, деган тушунтиришларимиз мисқолча ҳам наф бермаслиги аниқ. Маънавий тарбияяга салбий таъсир – бу эртанги кунимизга, миллатимиз келажагига хиёнат деб баҳоланмоғи жоиз.

Бугун ёшларимизни чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси қилиб тарбиялаш муаммоси олдимизда кўндаланг турган бир пайтда уларни интернет тармоқларида ташвиқ этилаётган ёт ғоя, урф-одат ва анъаналар ҳамда жаҳолат ва фаҳш намойишнинг салбий таъсиридан асраш мутафаккир бобомиз айтганидек ростдан-да “ё ҳаёт – ё мамот” масаласидир.